

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Правда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 71—72 (2712—2713)
1994 йил, 16 сентябрь

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
1 сўм.

2-БЕТ

СУД ҲОКИМИЯТИ:
МАҚСАДИМИЗ ХОЛИС
ВА МУШТАРАҚДИР

БУГУНГИ СОНДА:

5-БЕТ

УРГАНЧДА "ҚИЗИЛ
МАШИНАЛАР "

3-БЕТ

КИЧИК ЖАМОАНИНГ
КАТТА ИШЛАРИ

4-БЕТ

ҚЎЛМАҚ ҲОВУЗ
ҚЎПИКЛАРИ

6-БЕТ

"НАСИБА"СИНИ
ОЛДИ

ХИЗМАТГА ЯРАША ИЗЗАТ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ уч йиллиги нишонланаётган бир пайтда Президентимиз И. Каримов Фармонига асосан халқимизнинг бир қатор асл фарзандлари "Жасорат" ва "Шухрат" медаллари билан тақдирландилар. Улар орасида бутун ҳаётини юрт тинчлиги-ю эл осойишталигига бахшида этган ички ишлар идораларининг табарруқ фахрийлари ҳам бор.

Ушбу фахрли нишонларни ўз эгаларига топшириш маросимига қатнаша олмаган, узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳозирда қариллик даврини сураётган фахрийларга шонли медаллар уларнинг уйларига бориб топширилди.

Ш. РЎЗИЕВ.

ИСТИҚДОЛНИНГ уч йиллигини Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ жамоаси ҳам



Уруш ва меҳнат фахрийлари билан бирга нишонладилар. Республика Ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги Д. П. Шилманов йиғилганларни истиклол байрами билан самимий табриклаб, фахрийларга "Жасорат" ва "Шухрат" медалларини топширди.

Фахрийлар номидан сўзга чиққан Хўжайли тумани Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Т. Ибрагимов кўрсатилаётган эҳтиромлардан ниҳоятда миннатдор эканлигини билдирди.

Маросимда иштирок эта олмаган фахрийларга медаллар уйларига бориб топширилди.

Ж. НУРЖОНОВ.

ШУНИНГДЕК, жамоатчи мухбирларимиз Мирза Абдуллаев ва Ўроз Ҳайдаровлар Тошкент шаҳар ИИББ ва Қашқадарё вилоят ИИБларда ҳам байрам тантаналари муносиб нишонланганлигини маълум қилганлар.

Суратларда: Ўзбекистон ИИБ Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-лейтенанти Г. Р. Раҳимов бошчилигидаги вазирликнинг бир гуруҳ вакиллари уруш фахрийси, истеъфодаги ички хизмат полковниги А. В. Неверов хонадонидан ҳам бўлишиб, фахрли нишонни топширдилар. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири Д. Шилманов (чапдаги сурат) ва Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Каримов (ўнгдаги сурат) фахрийларга ватанимизнинг фахрли медалларини топширмоқдалар.

Суратларни А. ҲАКИМОВ, Ж. НУРЖОНОВ ва Ў. ҲАЙДАРОВлар олишган.



МАЪРИФАТЧИ ГИЁҲФУРУШЛАР

ШУ ЙИЛНИНГ 18 март куни Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув ходимлари Бағдод туманидаги Катагон қишлоғидан умумий оғирлиги 286 килограмм бўлган 18 қопда кўкнор ўсимлигини қўлга олишди. Тергов материалларида қайд қилинишича, бу кўкнорни

катагонлик ака-укалар Обиджон ва Оқилжон Темировлар Самарқанд вилояти Ургут туманида яшовчи Маҳмуджон Нормўминовдан сотиб олишган экан.

Бу "рекорд"ни кимлар ўрнатилган денг, мактабда ёш авлодга сабоқ бераётган

муаллимлар! Жумладан, Обиджон Темиров Бағдоддаги, Маҳмуджон Нормўминов эса Ургутдаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишларкан.

Мухаммадрасул КИМСАНБОВ,
Фарғона ИИБ бўлими бошлиғи,
милиция подполковниги.

ОМОНЗОДА,
"Постда" мухбири.

Икки жума оралиғида

ҲАМТОВОҚЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманиуч номаълум шахс Қозоғистон Республикасининг Туркестон шаҳридан келган А. Тўрахоновни пичоқ билан кўрқитиб, 22 минг 500 сўм пулини тортиб олдилар.

Ички ишлар бўлими ходимларининг тезкор ҳаракатлари билан қароқчилардан бири ушланди. У Россия Федерациясининг Красноярск шаҳридан келган, 1967 йилда туғилган Р. М. бўлиб чиқди. Унинг ҳамтовоқлари қидирилмоқда.

БЕЗОРИ УШЛАНДИ

Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Х. мазкур жамоа хўжалиғида жойлашган "Феруза" дўконига кириб келганда "жазава"си тутиб қолди ва дўкон мудури Д. Аҳмедовни ҳақорат қилди. Сўнгра дўкон ойналарини аямай уриб синдирди. Лекин орадан кўп ўтмай безори ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

ДИРЕКТОРНИНГ ТЎПОНЧАСИ

Самарқанд шаҳридаги "Раҳмат" фирмаси директори, 1949 йилда туғилган Р.нинг хонадонни кўздан кечирилганда 300 грамм қорадори, 17480 рақамли "Бретта" русумли тўпонча ҳамда "Макарова" тўпончасининг 19 донга ўқи топилди. Р. ҳибсга олинди.

ЭГРИ ҚЎЛ ТАЪМИНОТЧИ

Ҳозирги иқтисодий аҳволнинг танглигидан Комсомолобод туманидаги нон комбинати таъминотчиси фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У Шахрихон дон маҳсулотлари тайёрлаш идорасидан ҳар бирининг вазни 45 килограмм бўлган 100 қоп биринчи навли унни олиб кетди ва шундан 73 қопини М. Жалолов номли чорвачилик фермаси таъминотчиси, 1970 йилда туғилган Р. Дга ҳар бирини 130 сўмдан пуллаётганда милиция ходимлари томонидан ушланди.

МИЛТИҚЛИ МУАЛЛИМ

Сариосие тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирни ўтказдилар. Унда Қўштут қишлоғида яшовчи, 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Э.М.нинг хонадонидан 1961 йилда ишлаб чиқарилган "ТОЗ-8" русумли, 36246 рақамли милтиқ топилди. Муаллим уйда рухсатсиз нима сабабдан милтиқ асраётганини тергов аниқлайди.

ЙЎЛ ЁҚАСИДАГИ ЖАСАД

Хива туманидаги Хива-Гўжа йўли ёқасидан ўқотар қурол билан отиб ўлдирилган жасад топилди. ИИБ ходимлари енг шимариб ишга киришдилар: кўп ўтмай жасаднинг шахси аниқланди, сўнгра унинг қотилини қўлга олдилар. Қотил Мадаминов номли жамоа хўжалиғида яшовчи, 1967 йилда туғилган Р. М. бўлиб чиқди. Унинг хонадонидан далилий ашё сифатида марҳум отиб ўлдирилган, ИИБ рўйхатидан ўтказилмаган қурол топилди. Қотиллик сабаблари ўрганилмоқда.

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Андижон шаҳридаги матлубот жамиятига қарашли қандолат ишлаб чиқариш корхонасида тафтиш ўтказилди. Текшириш чоғида қандолат цехи мудури, 1962 йилда туғилган Ш. М. билан омбор мудури, 1953 йилда туғилган М. Нлар жиноий тил бириктиришгани аниқланди. Улар қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш йўли билан давлатнинг 60 миллион сўм-купонини ўзлаштириб юборишган экан. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

БОСҚИНЧИ

Қўқон шаҳридаги Хўжанд кўчасида истиқомат қиладиган Д.Ннинг хонадонига куппа-қундузи ниқобланган шахс бостириб кирди. У хонадон соҳибасига пичоқ билан пўписа қилди ва куч ишлатиб унинг қўл-оёғини боғлаб, оёзига латта тикиб кетди.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбир натижасини берди. Жиноятчи ушланди. У Оқолтин кўчасида яшовчи, муқаддам судланган Р.Э. экан. Босқинчи ўз қилмиши учун жавоб бериши муқаррар.

ҚАЛБАКИ ДОЛЛАРЛАР

Андижон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Янгибозор ҳудудида Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрилик Р. ҳамда Олар қалбаки 100 АҚШ долларини 1550 сўмга пуллаётганларида ИИБ ходимлари томонидан ушландилар. Уларни тинтув қилинганда енаридан яна 17 та қиймати 100 доллар бўлган қалбаки купюралар топилди. Қалбаки валюталарни улар қаердан олгани аниқланмоқда.

БОҒЧА ЭНАГАСИМИ ЕКИ ГИЁҲВАНД?

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор темир йўл бекатида ИИБ ходимлари 197-сонли "Келиф-Чоржўй" йўналишида катновчи поезднинг 6-вагонидан кетаётган йўловчи, Туркменистон Республикасининг фуқароси Л.К.ни ушлаб, текширувдан ўтказганларида унинг енидан бир килограмму 30 грамм қорадори топиб олдилар.

Нақлиет милицияси боғча энагасини қорадорини нима мақсадда олиб юргани ва уни кимга олиб кетаётганини аниқлаш мақсадида йўлдан қолдирдилар.

— Убайдулла Қурбонович! Сизни мустикал давлатимизнинг юксак мукофоти — “Жасорат” медали билан тақдирланганлигингиз билан жамоамиз ва рўзномамиз мухлислари номидан чин дилдан муборакбод этамиз. Бу мукофот Сизга халқимиз осойишталигини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш йўлидаги ҳалол хизматларингиз эъзизга берилган, албатта.

— Раҳмат. Бу мукофот елғиз меннинг эмас, балки барча ҳуқуқ посбонларининг ҳамкорликдаги ишлари учун берилган деб биламан. Бинобарин, ана шу машаққатли ва масъулиятли ҳаракатларимиз натижасида жиноятчилик суръати кескин пасаймоқда.

— Шундан келиб чиқиб, суҳбатимизни жиноятчиликнинг бутунги аҳволидан бошласак нима дейсиз.

— Қарши эмасман. 1992—1993 йиллар мобайнида юз берган жиддий ўзгаришлар, жиддий иқтисодий қийинчиликлар, собиқ иттифок республикалари ўртасидаги ҳўжалик алоқаларининг узилишидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга интилган нопок кимсаларнинг гайриқонуний ҳаракатлари натижасида жиноятчиликнинг оғир турлари бирдан ўсиб кетди. Касбига содиқ ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамай вазиятнинг ўзгариши анча мушкул бўлди.

Фақатгина Республика Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуси ва ҳуқуқ посбонлари органларини шахсан қўллаб-қувватлагани туфайли ишда кескин бурилиш ясалди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура органларининг ҳамкорликда кўрган чора-тадбирлари қўрилган натижаларни бера бошлади. Аввало Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида макон қўрган “номдор”, жиноят оламида “шуҳрат қозонган” тўдаларнинг асосий қисми ушланди ва тергов қилиниб судга юборилди. Улар қилмишларига яраша қонуний жазога маҳкум этилаётганликларидан халқимиз хабардор. Бу борада қонун кучидан тўғри ва тўла фойдаланиш ўз самарасини берди, десак хато бўлмайди.

Агар бу йилги ҳолатни 1993 йилнинг ярим йиллик ҳолати билан таққосласак, қўйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида умумий жиноятлар сони 48 минг 811 тани ташкил этган бўлса, 1994 йилнинг биринчи ярим йиллигида 36 минг 271 тани ташкил этиб, жиноятлар сони 25,69 фоизга камайганлигини кўраемиз.

Ўзгалар мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жинояти 72,81 фоизга, шу жумладан, кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда ўзлаштириш 69,13 фоизга, босқинчилик — 33,98, ўғирлик — 25,75, талончилик — 14,96, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 8,26 фоизга, бошқа турдаги жиноятлар сони 61,98 фоизга камайгани ҳолда, қасддан одам ўлдириш 1,56 фоизга, номуста тегиш — 1,69, безорилик — 8,34, фирибгарлик эса бир йўла 45,04 фоизга ортиб кетди. Бу кўрсаткичлар ҳали ҳамма-ҳаммамизни хотиржамликка берилмаслигимиз зарурлигидан огоҳ этади.

— Убайдулла ака, юқорида ўсиб бораётган жиноят турларини санаб ўтдингиз. Ана шу жиноятлар қайси вилоятларда кўпаймоқда ва бунинг асосий сабаблари нимада деб биласиз?

— Мен, аввало, порахўрлик энг оғир жиноят эканлигини таъкидламоқчиман. Чунки бу

давлат учун ҳам, жамият учун ҳам ўта хавфлидир. Порахўрлик бор жойда бошқа барча жиноятлар содир этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу жиноят бошқа жиноятларнинг дояси, десам хато бўлмайди. Ёки қасддан одам ўлдириш ва номуста тегиш жиноятини оясак, бу — тўқликка шўхлик, инсон қиёфасини йўқотган ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, текинхўрларча яшашни одат қилиб, ҳаром-ҳариш йўллар билан бойлик орттиришга муккасидан кетиб, безорилик, ўғирлик, талончилик, қўрқитиш ёки қасддан оғир тан жароҳати етказиш ва фирибгарлик жиноятларини содир этган кимсаларга ҳам худди шу баҳони бериш мумкин.

Суд амалиёти таҳлили оилада, айниқса, шаҳар шароитидаги оилаларда болалар тарбияси анча бўшашиб кетганлигидан гувоҳлик



Муҳарриратимиз ҳар куни рўзномамиз мухлисларидан турли мазмунда, турли саволу турли муаммолар битилган юзлаб мактублар олади. Мактуб муаллифлари Республикамиз ҳудудида жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши кураш, рекэт, бандитизм, босқинчилик, қотиллик, ўғирлик ва фирибгарлик каби жиноятларни тағ-томиригача қуритиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижалари билан қизиқишмоқда, қўлга олинган “номдор” тўдаларнинг катта-катта гуруҳларига нисбатан қандай жазолар тайинланганлигини билиш истагидалар.

Шуларни эътиборга олиб мухбиримиз Республика Олий суди раиси Убайдулла Қурбонович МИНГБОЕВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

берадиган далилларни юзага чиқармоқда. Тан олиш керак. Бутунги кунда болалар ва ўсмирлар тарбиясини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги ўқиб, касб-кор, ҳунар ўрганиш ўрнига осон пул топиш учун ҳатто жиноят кўчасига кириб бормоқдалар. Бундай нохушликдан энг олдин ота-оналар бохабар бўлатуриб, уларни бу йўлдан қайтаришмаптир. Жиноятчиликнинг олдини олишда айнан ота-она тарбияси сувдек зарур эмасми? Қолаверса, меҳнат, жамоа, маҳалла, мактаб ва бошқа муассасаларда фаоллар, оқсоқоллар, меҳнат ва уруш фахрийлари ешларда қадриятларимиздан келиб чиқиб киши-кишини хурмат қилиши, эъзозлаши ва эҳтиётлаши принциплари асосида тарбиялаш ишларига жиддий қарашлари керак. Республикамиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов қўрилатган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатнинг тамал тошини қўйишда, аввало, ҳуқуқшуносларга, маҳалла — ўз-ўзини бошқариш кўмиталари, жамоат ташкилотлари, қишлоқ, овул, посёлка ва туман кенгашларига, ҳокимликларга, ҳамма-ҳаммага жуда катта ишонч билдирган. Афсуски, бу жойлардаги аҳвол кишини қониқтирадими, деган ҳақли саволга ижобий жавоб олиш қийин.

Эътибор беринг: юқорида зикр этилган жиноятларга қўл урганларнинг 1370 нафарини воёга етмаганлар, 1612 нафарини муқаддам судланганлар, 492 нафарини қамоқ жазосини ўтаб, бир йил ичида яна жиноят содир этганлар, 6277 нафарини эса меҳнатга лаёқатли бўлатуриб, ҳеч жойда ишламайдиган ёки ўқимайдиганлар, 4487 нафарини

спиртли ичимликка муккасидан кетганлар, 66 нафарини алоҳида хавфли рецидивистлар ташкил этади. Шу ўринда уюшган гуруҳлар томонидан 4591 та жиноят содир этилганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Ҳозирда “мода”га айланиб ва кун сайин ўсиб бораётган фирибгарлик жиноятига бошқача қарамоқ керак. Текинхўрлик орқасидан кун кўрувчилар алдаш, ишончини сунистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг мол-мулкани ёки мулкый ҳуқуқини эгаллашга интилиб одамларга ҳам, жамиятга ҳам, ижтимоий муҳитга ҳам жиддий зарар етказишмоқда. Баъзан бу жиноятга қўл урган кимсалар орасида мансабдор, бообрў шахсларнинг борлиги эса айниқса ачинарлидир.

Фирибгарлик жиноятининг мураккаблиги шундаки, у узоқ муддат давом этадиган жараён

этувчи кўрғондир ва бу кўрғонни халқнинг ўзи муҳофаза қилиши шарт” деганда минг марта ҳақ эди. Бинобарин, бутунги кунда кўпчилик фуқароларимиз ўзларининг энг оддий ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида бу “кўрғон”ни ҳимоя қилишни ҳам ўрнига қўя олмаётлар. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий тарғиботни турли соҳалар бўйича халқимизга етказиш чораларини кўришда янада жонбозлик кўрсатилса, айни муддао бўлур эди.

Энди вилоятларда кўпаяётган жиноятларга тўхталсак. Республика, вилоят, туман ва шаҳар судларида кўриб чиқилган ишлар натижаси таҳлил этилганда, қўйидаги вилоятларда айрим жиноят турлари бўйича судланганлар сони ўтган йилнинг олти ойига нисбатан бирмунча ортганлиги аниқланди. Айрим жиноят турлари бўйича

**БИЗНИНГ МУСОҲАБА
СУД ҲОКИМИЯТИ:
МАҚСАДИМИЗ
ХОЛИС ВА
МУШТАРАҚДИР**

судланганлар сони Самарқанд вилоятида 12 нафарга, Наманганда — 2, Тошкент шаҳрида — 1, қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича эса Тошкент шаҳрида 8 нафарга, Андижонда — 6, Самарқандда 1 нафарга ортган ва ўғирлик жинояти бўйича судланганлар Андижон, Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳрида бирмунча кўпайган. Республикамиз миқёсида эса ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки ўғирлаш жинояти бўйича судланганлар сони ҳам анча ошган. Бу ачинарли ҳолат ҳар бир кишини ҳушёрликка, халқнинг ҳуқуқ ҳимоячилари билан ҳамжиҳат бўлишликка ундамайдими?!

Жиноятчилар нафақат оддий кишиларнинг, балки ҳуқуқ посбонлари ҳаётига ҳам тажовуз қилишдан қайтмаётдилар. Шу йилнинг биринчи ярмида прокуратура ва милиция ходимлари ҳаётига тажовуз қилинган 10 та жиноят иши судларда кўриб чиқилди. Айбдорлар қилмишларига яраша тегишли жазоларга маҳкум этилдилар. Андижонда 3 та, Тошкент шаҳрида 2 та, Бухоро, Наманган, Сурхондаре, Фарғона ва Тошкент вилоятларида биттадан ана шундай жиноят ишлари кўриб чиқилди.

— Маълумки, Олий судда иш ҳажми катта бўлишига қарамай, айрим энг оғир ва мураккаб ишларни биринчи инстанция суди тарикасида кўришни ҳам зарур, деб топмоқда. Ана шундай жиноят ишларидан мисоллар келтирсангиз.

— Иш ҳажмига келсак, қўйи суд органларига ҳам енгил тутиб бўлмайди. Вилоят, шаҳар, туман судларида ва Олий судда шу ярим йилликда 23 минг 238 та жиноят иши, 26 минг 132 та фуқаролик иши, 6679 та нафақа ундиришга, 7162 та суд ҳукмининг ижросига, 53

минг 509 та маъмурий жавобгарликка доир материаллар, жами 116 минг 720 та ишлар ва материаллар кўриб чиқилди. Талон-тарожлик жинояти оқибатида етказилган 153 миллион 904 минг 646 сўмлик моддий зарар аниқланди ва унинг 69 миллион 127 минг 313 сўми судлар томонидан ундириб олинди, давлат ҳисобига ўтказилди. Бошқа жиноятлар бўйича келтирилган 58 миллион 653 минг 88 сўмлик моддий зарарнинг 17 миллион 519 минг 766 сўми ундирилди. Шулардан келиб чиқиб, судларда иш салмоғи қай даражадалигини газетхонларнинг ўзлари баҳолашсин.

Республикамизнинг айрим вилоят ва шаҳарларида ҳар хил оғир жиноятларни содир этган жиноий гуруҳларнинг кўпгина қисми ушланиб, қилмишларига яраша суд томонидан озодликдан маҳрум этилганликлари, айрим гуруҳларнинг бошлиқлари эса олий жазога ҳукм этилганликларидан газетхонларимизнинг хабарлари бор.

Умуман, айрим вилоят судларида ва республика Олий судида биринчи босқич сифатида кўрилган ўта мураккаб ва оғир ишларнинг кўпчилиги радио-телевидение ва матбуот орқали эълон қилиниб, халқимиз имкон қадар хабардор этилаётир.

— Убайдулла ака! Мана, Республикамиз мустикачилигининг уч йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида Президентимизнинг фармони эълон қилинди. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхталсангиз.

— Республикамиз Президенти меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига, Конституциямизнинг 93-моддаси 20-бандига амал қилиб, аввало 5 йилгача муддатта озодликдан маҳрум этилган воёга етмаганларни, аёлларни, еши 60 дан ошган эркакларни ҳамда 1 ва 2-гуруҳ ногиронларини жазодан озод қилишга фармон берди.

Бу фармон — қўрилатган мустикал инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатимизнинг бош шioriга оғишмай амал қилинаётганлигига яққол мисолдир. Инсонпарварлик — юргизилаётган сиёсатимизнинг бош мақсади. Инсоннинг ҳақ ва ҳуқуқи, қадр ва қиммати, тинчлиги ва соғлиги, фаровон яшаш ва ҳалол меҳнати давлат ҳимоясида. Демакки, фармонни билиб-билмай, тушуниб-тушунмай қилган хатолари учун судланганлар чин кўнгилдан пушаймон қилиб, тузалиш йўлига ўтаётган, ижтимоий ҳаётда ўзларининг муносиб ўриларини топишга, ҳалоллик ва покликка интилаётган шахсларга нисбатан яна бир бор кўрсатилган адолат деб биламан. Авф судланганларнинг худди шу тоифасидаги кишиларга сўзсиз қўлланилади. Авфни қўллаш тартиби ҳақидаги тушунтиришнома тегишли жойларга, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига, жазони ўташ муассасаларига юборилган. Жазодан озод бўлганларнинг ҳар бирини мустикал диёримиз истиқболи йўлида, тараққиётимиз, осойишталигимиз, халқимизнинг тинчлиги ва тотувлиги йўлида фидойилик кўрсатишларига, жамиятимизнинг бир бўлаги сифатида ҳақиқий инсон бўлиб қолишларига жуда қаттиқ умид боғлайман...

— Жиноят ва жазолар ҳақида эшитишнинг ўзи оғир, уларни судда кўриш ва жазо тайинлаш янада оғир. Суд ва судьяларнинг машаққатли, айни пайтда муқаддас ишларида, келажати буюк давлатимиз истиқболи ва халқимиз осойишталиги, бахт-саодати йўлидаги холис хизматларида ҳамisha омад ёр бўлсин. Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Ориф ФАРМОНОВ.

Тошкент "Шимолий" шохбекатидаги темир йўл ички ишлар бўлимига бир неча бўлинма бўйсунди. Улардан бири икки километрча нарида "Тошкент-товар" бекатида жойлашган.

БЎЛИНМА, айтиш мумкин, жиноят содир этилиши мумкин бўлган жойга энг яқин бўлган масофада жойлашган. Мен яқинда кўни, пешин маҳалида бу ерга келдим. Бекатда жимжитлик ҳукм сурарди, олида контейнерларни тушираётган краннинг бир маромда юраётган товуши эшитиларди, холос.

Бўлинмада ишловчилар кўп эмас, лекин улар зиммасидаги юк анча салмоқли. Бу ҳол вазифаларини бажаришга жуда ҳам виждонан ёндашишни, куну тун тинмай меҳнат қилишни тақозо этади. Жамоа жипслашган, ходимлар тартибли, меҳнатсевар, бардошли. Бу ерда бошқача ишлаб бўлмайди.

Бўлинма бошлиғи, милиция капитани Раҳим Раҳматуллаевич Ирисбоев анча ёш бўлсада, тезкор ишда ҳам, кишилар билан ишлашда ҳам каттагина тажрибаси бор раҳбар. У икки олий ўқув юртини битирган. Аввал Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида ўқиди, 2-вагон депосида смена мастери, катта мастер, бошлиқ ёрдамчиси бўлиб ишлади, сўнгра ИИБнинг Саратовдаги олий курсларида таҳсил олди, ВЕИИ инспектори, "Тошкент" бекатидаги

темир йўли ИИБда жиноят-қидирув тезкор вакили, "Ангрен" бекатида милиция темир йўл пунктининг бошлиғи, ЖКБ тезкор вакили, сўнгра Транспорт ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили бўлди, бу ишда унга поездларда юк ташишга хизмат кўрсатишга тўғри келди.

Уринбосари Ғали Давлиев

КИЧИК ЖАМОАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Халилов ҳам раҳбарнинг муносиб кўмакчиси. Унинг айтишича, бутун онгли ҳаёти тезкор иш билан боғланган. Отаси транспорт милициясида 30 йилдан ортиқ муддат хизмат қилган.

Янги раҳбарларга ишни мураккаб шароитда бошлашга тўғри келган эди. Темир йўл ИИБда интизом ўлда-жўлда бўлиб, ходимларнинг тайёргарлиги суст эди, жиноятларни очиш кўрсаткичи ҳам жуда паст эди. Бир мақсадга йўналтирилган саъй-

ҳаракатлар натижасида ишлар юришиб кетди. Бўлим раҳбарияти катта ёрдам кўрсатди. Ходимлар янада пухта ва сабот билан ҳаракат қила бошладилар, жиноятларни очиш ҳам илгаригидан анча кўпайди. Улар ўз меҳнатлари, умуман бўлим бўйича вазиятни кўп жиҳатдан белгилаб беришни тушундилар, зеро содир қилинадиган жиноий хатти-ҳаракатларнинг каттагина қисми темир йўл бўлинмаси ҳиссасига тўғри келади.

Бу йил бўлинма ходимлари томонидан юкларни ўғирлаш билан шуғулланувчи бир неча жиноятчи гуруҳлар фожия этилди. Июль ва август ойларининг ўзиде ана шундай жиноятларни содир этгани учун 5 киши ушланди. Июль ойининг охирида

мақсадида амалга оширилади. Агар шундай ҳол юз берган бўлса, маҳсулот уни етказувчига қайтарилади. Шу йилнинг ўтган даври ичида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ортилган 80 вагон ордасига қайтарилди. Текширувдан сўнг юк 334 марта қайтадан ортилди, комиссия 368 вагонда брак борлигини аниқлади. Булардан ташқари, темир йўл ИИБ ходимлари вагон ва контейнерларни юкдан бўшатиш чоғидаги 252 текширишда иштирок этдилар. Улар турли қийинчиликларга кўнигиб кетган бўлсаларда, милициянинг олтинга тенг вақти бундай тадбирларга ҳаддан ташқари кўп сарфланаётганидан шикоят қилдилар. Зеро, милиция ходими нафақат вагонларни, балки ҳар бир контейнерни очиш пайтида иштирок



этиши керак.

Темир йўл орқали қимматбаҳо маҳсулотни тайёрловчи тарзда ташиш ҳоллари билан ҳам тўқнашишга тўғри келади. Яқинда четдан келган ҳаваскор "тижоратчи" жуда катта миқдорда қандолатчилик маҳсулотини республикадан ташқарига тегишли ҳужжатларсиз олиб кетишга урингани факти аниқланди.

Қўшма фирмалардан бирининг директори бўлган финляндиялик меҳмон гулқоғозлар ортилган вагонда сотиш учун юзлаб рангли беҳад нашлаб олиб келган. Ун олти яшар Н. деган қизини милиция ходимлари ғалати машғулоти устида ушладилар. Гайка қалити ва болға билан қуролланган хонимча бир бурчакда турган темир йўл платформаларининг деталларини чиқариб олиш билан шуғулланмоқда эди. У шу деталларни сотиш йўли билан хориж туфлисини харид қилишга пул йиғмаётган экан.

Шанба ва яқинда кунлари дам олиш учун тоққа йўл олувчилар спиртли ичимлик ичиб олиб, Хўжакек бекати ҳудудида кўпинча жанжал-тўполон қилишар, баъзи ҳолларда бу ерда пичоқбозлик ҳам юз бериб турар эди. Бу ерда тартиб ўрнатиш учун темир йўл ИИБ ходимлари Чирчиқ милицияси билан ҳамкорликда кўп тер

тўкишди. Шаҳар атрофига қатнайдиған ҳар бир поездни кузатиб боришга тўғри келди.

"Шохбекат", "Йўловчи", "Арсенал", "Тозалаш" деб номланган мақсадли тадбирларнинг ўтказилиши каттагина самара берди, улар темир йўллар бўйлаб ва темир йўл объектларидаги криминал вазиятни анча яхшилаш имконини берди.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузишларнинг олдини олиш бўйича ҳам катта иш олиб боришмоқда. Бу йил ВЕИИга 122 нафар ёш ҳуқуқбузар келтирилди. Ана шу мақсадда эллика яқин рейд ўтказилди, натижада турли идораларга ўнлаб ахборот ва тақдирномалар юборилди. Усмирлар билан 244 марта суҳбат ўтказилди.

Кичкина бўлинманинг ходимлари амалга ошираётган ишларни муфассал санаш кўп вақтни олган бўларди. Шунинг учун айтиш лозимки, бу ерда меҳнатсевар, ўз ишини севадиган кишилар меҳнат қилдилар.

Б. ВОЛОДИН.

СУРАТЛАРДА: темир йўл ички ишлар бўлинмаси бошлиғи Р. Ирисбоев; Ўзбекистон ҳудудидан четга ноқонуний олиб кетилмоқчи бўлган қимматбаҳо мол.

РИФКАТ Л.НИНГ ҳаёти унинг кўпчиликлари тенгқурлари сингари бошланди: урушдан кейинги оғир ҳаёт, мактаб, ота-онасининг гамхўрлиги.

Тезроқ бойиш учун осон йўлни кидиришга нима сабаб бўлганини ҳозир айтиш қийин. Рифкатнинг ўзи ҳам бу саволга жавоб беролмаса керак. Эҳтимол, "башанг" яшашни хоҳлагандир, еҳуд ўғиллар касбининг "романтика"си ўзига жалб этгандир.

Қамоқхонага дастлаб ташриф буюрган пайтидан буён кўп йил ўтди.

бўлишлари учун қандай ёрдам бериш мумкин? Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтган йилнинг сентябрида жазони ўтаб келган, ичкиликбозлиги сабабли мажбурий равишда даволанган, тақсимлагич-кабулхоналардан юборилган дайидларни ижтимоий кўнктириш марказлари тўғрисида низом тасдиқланди.

Бу марказлар зиммасига маҳаллий ҳокимликлар, милиция, меҳнат биржалари, жамоат ташкилотлари

йилини озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтказган. На қариндошлари, на дўстлари бор.

Азамат А. ҳам ундан қолишмайди. 40 ешда, уч марта судланган. Охири маротаба ўз хотинининг ҳаётига суиқасд қилгани учун қамалган. Табиийки, хотини уни уйга киргизмади, прописка ҳам қилдирмади. Бусиз эса ишга жойлашиб бўлмайди. Бироз сарсон бўлиб юргач, у туман ИИБга келди. Бу ерда унга марказга йўлланма беришди.

Тўғриси айтганда, бундай фуқароларни ишга жойлаштириш ва маиший шарт-шароитлар яратиб бериш осон эмас. Марказ ходимлари бунга имкони борича эришмоқдалар. Шу йилнинг ўзидеги қамоқдан озод этилган 31 кишига моддий ёрдам кўрсатилди, 51 киши ишга жойлаштирилди, уларнинг кўпчилиги етоқхоналари бўлган ташкилотларга юборилди.

Вилоят ҳокимлиги, Ички ишлар бошқармаси марказ фаолияти билан мунтазам қизқиб келмоқда. Унинг эҳтиёжлари учун 19 минг сўм, "Раф" автомашинаси, бир неча гектар ер ажратилди.

Марказ раҳбари бўлган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Садриддин Сирожев олиб борилаётган иш жамият учун жуда муҳим ва фойдаландир, деб ҳисоблайди. Аста-секин шаҳар ва туманларда ҳам ана шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Масалан, Когон шаҳрида илгари жиноят-қидирув тезкор вакили бўлиб ишлаган нафақадор Ибод Қудратов марказ раҳбарининг ўринбосари этиб тайинланди. Марказнинг банкда ўз ҳисоб рақами бор, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб келган ва виждонан меҳнат қилмоқчи бўлган кишиларга дастлабки ёрдам кўрсатиш учун маблағлар келиб туша бошлади.

А. БРАЙЛОВСКИЙ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
катта инспектори, милиция
майори.

КЎНИКМА МАРКАЗЛАРИ

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ БОСҚИЧДИР

45 йиллик умридан Рифкат 28 йилини озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтказди. Шу вақт ичида ўғиллар ўртасида "обру" қозонди, айни паллада сил касалига ҳам чалинди. На хотини, на болалари бор. Уни яна қамоқхона сўрилари кутмоқда, чунки бундан бир неча кун олдин Тошкент шаҳар Яккасарой туман ИИБ участка вакиллари, милиция катта лейтенанти Б. Газалов ва милиция лейтенанти Ф. Туев уни маъмурий назоратдан атайин бўйин товлаб юргани учун ушлаган эдилар.

Рифкат Л. кишиларга кўп ташвиш келтирди, содир этган босқинчиликлари, ўғирликлари учун суд томонидан 7 маротаба жазоланди. Лекин унинг ўзи ҳам тавбасига тоза таянди. Озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлиш мактанадиган нарсаси эмас. Нима учун у биринчи бор қамалиб чиққанидан сўнг ўзини тутиб қолмади?

Бу шунчаки берилган савол эмас. Республикада илгари қамалиб чиққан кишилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг миқдори ҳали ҳам кўп. Уларга бу жиноий доирадан халос

биргаликда ана шундай шахслар озодликдан маҳрум этиш жойларига яна қайтиб келмасликлари учун уларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси юкланган.

Бирок Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги аҳволни ўрганиш бундай марказларни барпо этиш иши жуда сустр бораётганини кўрсатди. Ана шу иш учун масъул бўлган милиция ходимлари ҳам марказлар ишга тушиши учун етарлича куч-ҳаракат сарфламаптилар.

Бухоро вилоятидаги марказ ишлаб турибди. Унинг уч нафар ходими асосан вилоят марказида яшовчи шахслар билан шуғулланмоқда. Марказ раҳбарининг ўринбосари Юсуф Ёкубов, ишга жойлаштириш бўйича инспектор Шоира Алиева ва бош ҳисобчи Раила Қодирова жуда мураккаб масалаларни ҳал қилмоқдалар.

Мен уларнинг қамоқдан озод бўлиб келган Қодирани Б. ва Азамат А.га қандай ёрдам кўрсатаётганликлариға гувоҳ бўлдим. 38 яшар Қодирани ўз умрининг 21



СУРАТЛИ АХБОРОТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси Хўжайли тумани Ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда бор имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Айниқса, шошилинч хабарларни қабул қилишда ва тезкорлик билан чора-тадбирлар кўришда навбатчиларнинг ҳушёрлиги кўл келмоқда.

СУРАТДА: туман навбатчиси ёрдамчиси, милиция старшинаси Абдуҷамил Абиев (чапда) янги хабарни қабул қилиб олмоқда. Навбатчи, милиция майори Мажит Сиддиқов эса ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Ниятбой Юсуповни сўнгги маълумотлар билан таништирмоқда.

Равшан БОБОЕВ олган сурат.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

13 РАҚАМИНИНГ беҳосиятчилигига энди термизлик Зулфиянинг ҳам ишониши муқаррар. Чунки худди шу кунга ўтар кечаси номаълум шахс шаҳар кўчасида унинг сумкасини тортиб олиб, кўздан йўқолди. Лекин кўшга эмас. Ун уч рақами жиноятчи учун ҳам беҳосият бўлди. У ўша заҳотяқ шаҳар ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиниди. Сумкадаги 250 АҚШ доллари эгасига қайтарилди.

ЖАРҚЎРҒОНДАН Термизга

қовун-тарвуз сотиш учун келган А. Ортиқов шаҳар бозорида талончиларга йўлиқаман деб ўйламаган эди. Куппа-кундузи икки номаълум шахс унинг 150 сўм пулини тортиб олиб кетишди. Воқеадан хабар толган Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида талончилар ўша куннинг ўзидеқ қўлга олинди.

Сафар АБДУВОҲИДОВ,
Сурхондарё ВИБ матбуот
гуруҳи ходими, милиция
старшинаси.

1994 йилнинг биринчи ярмида Тошкент вилояти ИИБга қарашли 2-тақсимлагич-қабулхона орқали икки юздан кўпроқ киши ўтди, уларнинг 40 га яқини — хотин-қизлар.

Уларнинг ҳар бири мураккаб тақдирга эга бўлсада, бир-бирига ўхшаб кетиши сабабли биттаси билан чекланмоқчимиз.

САРОБГА АЙЛАНГАН ИЗЛАШ

Унда ҳозиргача ҳаётда ўз ўрнини топмаган кишининг дил изҳори мавжуд.

Татьяна Маханькова Олтой ўлкасининг Тайгадаги Турочак қўргониди турилди. Саккиз ёшида онаси вафот этди. Отаси бундан қаттиқ қайғуриб, аламини ичкиликдан ола бошлади. Натижада у ашаддий ароқхўрга айланиб қолди.

Хушёрлик пайтида ота қизи билан гаплашар, дарс тайерлашида ерданлашар, ичиб олгач эса ҳайвонга айланиб қолар эди. Қизини уйдан ҳайдар, қўлига тушган нарсани унга отишдан тоймас эди.

Маханьковлар оиласида тотувлик йўқ эди, қизни ароқхўр ота билан бирга қолдириш яхшиликка олиб келмас эди. Маханьков ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди, Тания эса баловатга етгунча болалар уйида тарбияланди.

Болалар уйдан чиққач, у ўз уйига қайтиб келишни хоҳламади, уни ҳеч ким

билмайдиган жойга кўчиб кетишга аҳд қилди. У шохбекатга чиқиб, биринчи учраган поездга чипта олди — шу тариқа Тошкентга келиб қолди.

Вағрида оҳангаронлик бир қиз билан танишади. У ўз шахрини кела-келгунча мақтаб келади. Бу ерда ишга жойлашиш жуда осон бўлиб, ишловчилар доим керак экан.

Лекин воқелик бошқача бўлиб чиқди. Татьяна поезддаги пайтидаёқ паспортини ўғирлатиб қўйди, ҳужжатсиз эса доимий прописка ва иш тўғрисида ўйлашга ҳожат ҳам йўқ эди.

Уни "Куksi" қаҳвахонасига вақтинча идиш-товоқ юювчи қилиб ишга олишди. У тўғри келган жойда етиб юрди.

Татьяна Оҳангарондаги тақсимлагич-қабулхонага биринчи марта февраль ойида олиб келинди. Бу ерда унга зарур ҳужжатлар берилди. Мана шунда у эсини йиғиб олиб, доимий ишга жойлашиб олса бўларди. Афсуски, бундай қилмади.

Юқори Чирчиқ туманилик ижарачилар билан танишиб қолди. Улар пиёз экишганини айтиб, бирга ишлашга таклиф қилишди.

Апрелда Маханькова яна тақсимлагич-қабулхонага олиб келинди. Бу вақтга

келиб у яна дуч келган ерда етиб юрган, ҳужжатларини ҳам йўқотган эди.

Ундан келгусида нима қилмоқчи эканлигини сўраганимда у ўйлаб ҳам ўтирмасдан шундай деди: "Ҳозирча ётадиган жойим, ейдиган овқатим тайин экан, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрганим йўқ. Бу ердан чиққанимдан сўнг ўйлаб кўрарман".

Бундай жавобга қараганда, унинг ҳаётида кескин ўзгаришлар бўлиши мушкул. Қайтадан тақсимлагич-қабулхонага тушиб қолмагунча, у оворан сарсон бўлиб юрaverади.

Доимий сарсон-саргардонликлар ҳали ўттизга ҳам тўлмаган жувонни қаримсиқ қилиб қўйган. Унинг юзини ажин босган, кўп тишлари тушган.

Тақсимлагич-қабулхона бошлигининг хонасидан чиқаркан, Татьяна аччиқ истехзо билан шундай деди: "Бу ерга йўл олганимда ўз бахтимни топаман деб ўйлаган эдим. Пешонамга езилгани бошқача экан".

Ҳа, Татьянанинг бахт деб ўйлагани сароб бўлиб чиқди. Унинг поезди боши берк кўчага кириб қолди. Бундай бўлишига унинг фақат ўзи айбдор. Шунинг айтиш жоизки, боши берк кўчадан фақат Татьянанинг ўзи чиқиб олиши мумкин, бунинг учун матонат ва сабр-чидам зарур. Ўйлашимча, унда бу ҳислатлар мавжуд.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.

СУРАТЛИ АХБОРОТ



НАМАНГАН вилояти Учқўрғон тумани Ички ишлар бўлими ходимлари туман тинчлиги ва аҳоли осойишталигини таъмин этишда қатор амалий ишларни йўлга қўймоқдалар. Ёлғиз отининг чанги чиқмас деганларидек, туман ИИБ ходимлари ҳам кенг жамоатчиликка суянган ҳолда хизмат қилишга ҳаракат қилаёттилар. Бу борада уларга маҳалла фаоллари катта ёрдам бериб келишмоқдаки, бу, айниқса, жуда қувонарлидир. Қўшни қирғизистонлик ҳамкасблар билан узвий алоқаларнинг тобора мустақамлашиб бораётгани ҳам ўз самарасини бераётти.

СУРАТЛАРДА: туман ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти Комилжон Иномов, Кўприкбоши маҳалла фахрийси Абдуллажон Эгамбердиев, Қўмтўғон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунбой Абдуллаев ва Кўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан бири Турсунбой Давлатовлар бозордаги аҳвол билан танишиш учун йиғилдилар; туман ИИБ тергов бўлини катта терговчиси, милиция капитани Муроджон Қосимов (ўнгда) ва терговчи, милиция катта лейтенанти Рустамжон Қўчқоровлар қўзғатилган жиноий иш юзасидан навбатдаги терговни биргаликда олиб бормоқдалар; ЖКБ ходимлари, милиция майори Хурсандбек Эралиев (чапда) ва милиция капитани Малит Тағайқуловлар ўзаро мулоқотда.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.



БЕЛБОҒИ ЙЎҚ ЭРКАКЛАР

УЛМАС Нурмаматов туманимиздаги "Қизилқум" давлат хўжалигида яшайди. У 1975 йилда Нурсулва Турлибекова билан онла қурганди. Улмаснинг тайинли бир жойда ишламай, ичкилик ва қиморга берилиб кетиши туфайли яхшигина оиллага дарз кетди.

Нурсулва умр йўлдошининг бошқалардай ишлаб, рўзгорини бут қилишини истарди. Аввалига чидаб келган Нурсулвада бора-бора бардош қолмади. Тўғри, ўртада олти нафар фарзандлари бор. Улар тақдирини ўйлаганда она жуда эзиларди, аммо...

Хуллас, оилавий нотинчлик сабаб 1991 йил июнь ойида улар никоҳи бекор қилинди. Улмас ойлик даромадининг 50 фозини олти нафар фарзандлари учун нафақа тарзида тўлайдиган бўлди. Лекин У. Нурмаматов бу масъулиятни ҳам унутди. Ҳеч

ерда ишламади ва болалари учун нафақа ҳам тўламади. Нурсулва ва унинг фарзандлари эса бусиз кун кечиролмасди. Уларни кийин-тириш, едирининг ўзи бўлмайди, албатта. Она туман судига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Аммо бебурд ота суд қақирувига келмай қочиб юрди, нафақани вақтида тўлай демади. Туман ИИБ томонидан ўн кунлик қамоқ жазосини олгандан сўнг ҳам у болалари учун нафақа тўлашдан қочиб юрди.

Яқинда Улмас Нурмаматовнинг бу жиноий иши судда кўриб чиқилди. Жабрланувчи ва гувоҳларнинг аниқ кўрсатмаларидан сўнг у ўз айбига иқроор бўлди. Суд жараёнида қарз бўлиб қолган нафақаси ундирилди ва Ўзбекистон ЖКнинг 104-моддаси билан айбдор деб топилди, бир

йилу 6 ойга меҳнат ахлоқ тузатиш жазоси берилди.

Шунингдек, Ҳамза номи давлат хўжалигида яшовчи Олмас Кўбаев ҳам турмуш ўртоғи Гулзина Рустамова билан оилавий жанжал туфайли 1990 йилдан буён икки нафар фарзанди учун суд белгиланган нафақани тўламай юрганлиги сабабли яна судланди. У болалар учун ойлик даромадидан белгиланган 33 фоз нафақани тўлашдан бош торттиб юрган. Гулзина нафақани фақат суд орқалигина олган. 1993 йил учун Олмас Кўбаев қарз бўлиб қолган нафақани суд давомида тўлади.

Судда Олмас Кўбаевга қилмишига яраша жазо тайин қилинди. Энди меҳнатга мажбуран жалб этилиб, ойлик даромадидан 15 фозини давлат ҳисобига ўтказди, болалари учун ҳам нафақани ўз вақтида тўлайди.

Турмуш — мушт

"Богдан" давлат наслчилик хўжалиги 4-бўлими Осмонсой қишлоғида яшовчи Комил Жўраев ҳам бир нафар боласи учун 1992 йил давомида ва 1993 йилнинг октябры ойигача нафақа тўлашдан бош торттиб юрган. Унинг иш ҳам суд мажлисида кўриб чиқилиб, тўланмай келган нафақа ундириб берилди. Суднинг фарзанд учун нафақа тўлаш тўғрисидаги ҳукмининг ижро этишдан бош тортган Комил Жўраевга ҳам бир йиллик меҳнат ахлоқ тузатиш жазоси тайин қилинди.

Мен ўшбу мақолам билан оталарни айбламоқчи эмасман. Фақат пушти камардан бўлган болани боқишдан бош торттиш эркак кишининг иши эмас, демоқчиман холос.

У. ОСТАНОВА,
Фориш тумани суди раисаси.

КЎЛМАК ХОВУЗ КЎПИКЛАРИ

Бу воқеалар Қарши шаҳридаги 5-кичик туманининг 66-уй, 20-хонадониди бўлиб ўтган. Хонадон соҳибаси Тўлғон Қаршиева умрида бир жойда ёлчиб ишламаган. Ёши 33 да. Бу қатори жувонлар кенг уйнинг келинчаги, қўшалоқ фарзандларининг суюкли онаси. Тўлғон-чи, уч марта "ўтириб" чиққан жувон. Аёл номига доғ туширган, тубан қетган шахс.

1989 йилининг декабры оёқлаган. Ҳали ўрис пулининг қадрни баланд. Кўзлари аланг-жалаң Тўлғон кўчага чиқиб уйдан "қувилган" суюқоёқ қиз-жувонларни излаб топишга киришди. Шу кунни ови бароридан келди. Унинг тўрига Зухро исмли адашган жувон илашди. Зухро ўйсиз, қолаверса, қўнғудай бошпанаси йўқ. Дарров Тўлғон изидан эргаша қолди. Тўлғон Зухрони уйига олиб келгач, наридан бери овқатлантирди. Сўнг ташқарида бирмунча санқиб, ўзи билан ёши ўтганроқ эркакни бошлаб келди. Эркакнинг кўзи Зухрога тушди... Зухро ҳам уни тушунди. Эркак ён чўнтагидан 25 таликни чиқариб Тўлғонга узатди...

Тўлғон Қаршиева дастлабки иши муваффақиятли ўтганидан сочини ёйма тўр қилиб отди. У бу ҳолатни кунда такрорлади. Зухро униқиди бир йил яшади. Шу йил давомида ҳар кун 6-7 мартагача "меҳмондорчилик" бўлиб турди. Тўлғоннинг қўли эса пул санашдан бўшамасди. Пулга очкўзлик уни суюқоёқ қиз-жувонларни топишга "илҳом" лантирар, чўпон қўйни яхши туюқлагани каби Тўлғон ҳам бир чертишда енгил табии аёлларни фарқлаб оларди.

Турдиҳол исмли қизни 1991 йилининг август ойидан 1993 йилнинг март ойига қадар уйда сақлади. Шу орада бир неча фоҳишаларнинг номусидан "пул ясади". Тўлғон бозор мўносабати билан ўрис рублининг қадрсизланишини англаб-сезиб фоҳишабозлик нархини ҳам ошира борди. Кеча минг сўм олса, бугун ўн минг сўм оладиган одат қиқазди.

Хийлагар бу аёлни қўлга тушириш анча қийин кечди. У ўз "қиз"ларига опаникига меҳмонга келганман, деб айтишлар дея қаттиқ тайинларди.

Милиция ходимлари неча бор чўв тушган. Ахир бировни қонунда мажбурлаш тақиқланган. Зўғум ҳам ўтказиб бўлмайди.

Ю. исмли "қиз"нинг гаплари: "1992 йилнинг июль ойлари эди. Тўлғон Қаршиеванинг уйида бир неча кун яшадим. Аввалига ҳар кун икки-уч киши билан жинсий алоқада бўлдим. Бора-бора етти-саккиз эркак билан "муамола" қилдим. Гоҳи чарчаган кунларим ўрнига Лола исмли қиз "хизмат" қиларди. Тўлғон опамга кўп пул ишлаб топиб бераверганимдан сўнг у мени кассир қилиб қўйди. Бир гал у киши билан Шаҳрисабзга тўйга бордик. У ерда опамнинг руҳсатсиз уч кун қолиб кетдим. Қаршига қайтиб келганимдан сўнг унинг чунонам жаҳли чиқдики, мени авра-астаримни тўкиб солди. Шу кунни ...дан зиёд эркакка қўшиб роса азоблади.

Чидаб бердим. Гоҳи чарчадим десам ҳам сеининг жазонинг шу деб мени қаттиқ сиқувга оларди. У мени шундан кейин кўчага ўзи билан олиб чиқарди. Бирон жойга кетишимга рухсат бермасди".

Тўлғон Қаршиева ҳамтовоқлари Ойгул Абдуқодирова, Зебинисо Маҳмудовалар билан тил бириктириб, неча-неча енгил табии аёлларни эркакларга қўшмади ва эвазига жарақ-жарақ пуллар туширмади дейсиз. Улар қиз-жувонлардан хароб қилиб фойдаландилар. Бор-йўғи қорнининг тўйганига шўкур қилган баъзи фоҳишалар уларнинг чизган чизигидан чиқишмасди.

Тўлғоннинг онаси-чи!! Онаси Мукаррам Абдурахмонова шундай дея терговда кўргазма беради: "Қаршига келсам қизимникида кўп бўлмайман. Бу ерда қий-чўв кўп бўлади. Айниқса, ёш-ёш чироили қизларнинг кўпчилигини айтмайсизми! Қизимга буларни уйинга йиғиб бир кунни балога қоласан десам, ишининг бўлмасин дерди. Мен улар уйини қизлар бўлса керак, деб хотирижам юрардим. Қизимнинг қўшмачилигини эшитиб..."

Суд яқинда Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Суд ҳукми билан Тўлғон Қаршиевага 2 йилу 6 ой қамоқ жазоси тайинланди. Ойгул Абдуқодирова ва Зебинисо Маҳмудовалар ҳам ахлоқ тузатиш билан жазога тортилдилар. Ҳаммамиз ҳам қиз-ўғил ўстирамиз. Улар улғайса уйли-жойли қилиш тараддудида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиламиз. Лекин фарзанди ноқобил чиққанда азоб ўтида қовурилиб юрганларни ҳам кўп кўрганимиз. Илоё, шу инсонларнинг савдоси бошимизга тушмасин, деб ҳудога илтижолар қиламиз. Тўлғонлар-чи! Шайтон йўлига кирган бундай юзсиз, ҳаёсиз кимсалар ёш қизларни йўлдан уришдан тоймайди. Нафси бузуқ эркаклар-чи! Бир кунлик айш деб бир умр оиласи олдида шармисор бўлиб қолганлар ҳам йўқ эмас.

Келинг, яхшилар, мингдан, юздан бир ёмон чиқар, лекин ёш авлодини боболар удумига содиқ ҳолда ўстирайлик. Улар ўз иймон-этиқодини ҳеч нарсига алмаштирмайдиган мард, танти қизу ўғлонлар бўлсин. Бирининг касри мингга урмасин!

С. ЖАББОРОВ,
Ў. ХАЙДАРОВ,

вилоят Ички ишлар божқармаси масъул ходимлари.
М. НОРҚОБИЛОВ,

Қарши шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси,
милиция катта лейтенанти.



АНА ШУ СЕНТЯБРЬ ойида дўстимиз,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ уруш ва

ички ишлар идоралари фахрийлари
Кенгашининг аъзоси, истеъфодаги мили-
ция полковниги Камол ЭРГАСHEV 70 ёшга
тўлади.

Ўз меҳнат фаолиятини у фашистлар
Ватанимизга ҳужум қилган паллада,
Тошкентга кўчирилган ҳарбий
заводлардан бирида ишчи сифатида
бошлаган эди.

Завод ишчилари урушга боришдан
озод этилган бўлсада, Камол 18 ёшга
тўлиши билан, 1942 йил сентябрийда
Қизил Армия сафида фронтга
юбориларига эришади. Уруш
туғаланига қадар Ватанимиз Узоқ Шарқ
марраларида оддий аскар бўлиб хизмат
қилган Камол ўз ўртоқлари билан бирга
ғоятда муҳим объектлар ва
коммуникацияларнинг ташқи ҳамда ич-
ки душманлардан ишончли ҳимоя
қилинишини таъминлади.

Оддий аскар Камол Эргашев Совет
Армияси сафларидан 1949 йилда

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

бўшатилди. Унинг бундан кейинги бутун
ҳаёти республика ички ишлар
идораларида ишлаш билан боғлиқдир. У
Тошкент ва Наманган вилоятларида,
республика ИИБда масъулиятли
вазифаларни бажарди.

Совет Армияси ва ички ишлар
идораларидаги 40 йиллик хизмати
мобайнида К. Эргашев "Қизил Юлдуз"
ордени, "Жанговар хизматлари учун",
"Германия устидан қозонилган ғалаба
учун" медаллари, "ИИБ хизмат
кўрсатган ходими" кўрак нишони билан
тақдирланди. У давлатнинг жами 20
мукофотида сазовор бўлган. Ўзбекистон
Республикаси мустақиллиги учинчи
март байрам қилинган кунларда эса
унинг кўрагида "Жасорат" медали
яркиради.

1982 йил апрелида дам олишга

чиққан истеъфодаги милиция
полковниги К. Эргашев охири пайтгача
Тошкент вилоят ҳокимиятида муҳофа-
за ишлари бўйича масъул ходим сифатида
меҳнат қилиб келди. У ҳозир ҳам
серғайрат. Ўзбекистон Республикаси
ИИБ уруш ва ички ишлар идоралари
фахрийлари Кенгашининг аъзоси
сифатида милиция билан ҳамнафас, ич-
ки ишлар идораларида тез-тез меҳмон
бўлади, ёш ходимлар билан ўзининг бой
тажрибасини баҳам кўради. Камол акани
туғилган кунлари билан табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги, уруш ва ички
ишлар идоралари фахрийлари
Кенгаши.



Навоий вилояти Ички ишлар
бoshqarmasi jamoasi shu
boshqarmaning tergov
b'limi katta tergovchisi,
милиция капитани
Баҳриддин
ЭШМУРОВОВНИ 34 ёшга
тўлиши муносабати билан
самимий қутлайди ва унга
сиҳат-саломатлик,
ишларига омад, оилавий
тотувлик тилайди.

МЕХНАТ ДЕДИНГ

Камол Эргашевга

Ёшлигиндан бахту саодат, бу эса меҳнат дединг,
Жон олур ором ҳамиша, бу эса роҳат дединг.
Шу зайил тўн-кун дилингдан халқ учун хизмат қилиб,
Сидқидилдан ишласлик, бу эса иллат дединг.
Халққа хизмат айладинг ўттиз йил сафда туриб,
Тўнларинг гар ўтса бедор, бу эса ҳурмат дединг.
Эри юрган кўп кишини тўғри йўлга бошладинг,
Бундайин нуқсон кишига бу эса офат дединг.
Тунда бедор этсалар юлдузсимон сен барқ уриб,
Чунки юлдуз берди халқим, бу эса раҳмат дединг.

Учраса қаллоб-фирибгар, ҳақ сўзин сен сўзладинг,
Ҳеч керакмас бошқа бойлик, бу эса қиммат дединг.
Бу ҳаёт қумриларга Қужрихон подшо эрур,
Куйида минг нола чеқдинг, бу эса шухрат дединг.
Чин баҳодир ҳам ҳақимлик давлатим шоираси,
Манзилим обод ҳамиша, бу эса жаннат дединг.
Анвар, Абзор, тожи-тахтим, Миржамил булбулларим,
Хур Васила жон дилимдур, бу эса давлат дединг.
Доимо доно сўзин дилларга сен жо айладинг,
Ўтмасин беҳуда умрим, бу эса фурсат дединг.
Баҳраман қил элу халқни ҳаммаси топсин камол,
Дўстлар гар айтса раҳмат, бу эса иззат дединг.
Сафдаги дўстларини Гаффор, доимо эъозлагин,
Дўст билан сен бахтиерсан, бу эса ибрат дединг.

Абдукаҳҳор ҒАФФОРЙ. 1972 йил.



Янги ташаббус

УРГАНЧДА "ҚИЗИЛ МАШИНАЛАР"

ВИЛОЯТ ички ишлар бoshqarmasi
Ёнгиндан сақлаш бўлимининг
навбатдаги ўқув-амалий машғулотини
Урганч туманида ўтказилишидан
хабар топгач, ўша ерга етиб келдик.
Бўлинма бинолари оқланиб, деразалар
бўекдан чиқарилган. Девогларга
кундалик зарур бўлган кўрсатмалар
осиб қўйилган. Телевизор, шахмат-
шашка билан жиҳозланган дам олиш
хонаси, олти кишига мўлжалланган
шинамгина ётоқхона қайта қурилиб
ишга туширилган. Хуллас, бу ерда ўт
ўчирувчилар учун барча қулайликлар
яратилган.

Эрталабдан режа асосида
белгиланган ўқув машғулотлари
бошланиб кетди. Тўқсон дақиқалик бу
машғулотларда туманларнинг ўт
ўчирувчилар бошлиқлари ўзларининг

билим савияларини ҳамда жанговар
ҳолатта тайёргарликларини намойиш
қилдилар. Машғулот сўнггида улар
тест синовидан ўтдилар.

Тушдан сўнг Урганч туман пахта
тозалаш заводида амалий
машғулотлар бошланди. Бу ерда
тумандаги ўт ўчириш
машиналарининг чақириқ бўйича етиб
келиши, техникаларнинг тўғри ва аниқ
жойлашиши, буйруқларнинг
берилиши ва уларнинг тўғри
бажарилиши, техникаларнинг
жанговар ҳолатта шайлиги амалий
жиҳатдан синаб кўрилди. Машғулот
сўнггида вилоят Ёнгиндан сақлаш
бўлими бошлигининг ўринбосари, ич-
ки хизмат катта лейтенанти Фарход
Воинов ушбу тадбирга яқун ясади ва
Урганч туман ИИБ Ёнгиндан сақлаш

бўлинмаси ўт ўчирувчиларининг
жанговар ҳолатта тайёргарлигини
ҳамда олиб боришгаётган ишларини
юқори баҳолади.

— Ҳар ойда бир маротаба
ўтказиладиган бу ўқув-амалий
машғулотимизни бошлаганимизга уч
ой бўлди, — дейди вилоят ИИБ
Ёнгиндан сақлаш бўлими бошлиғи,
ички хизмат майори Машарип
Саидмуродов. — Ҳозиргача Янгиарик,
Богот, Урганч туманлари Ёнгиндан
сақлаш бўлинмаларининг ишлари
билан танишиб чиқдик. Ютуқларини
оммалаштираймиз, камчиликларини
туғатиш учун каттик чора-тадбирлар
кўраймиз. Ҳар ҳолда ўтказаетган бу
тадбирларимиз бўлинмалардаги
жанговар ҳолатни кучайтирмоқда.
Орамиздаги меҳр-окибатни янада
мустаҳкамламоқда.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бир кунлик
ўқув-амалий машғулотлар давомида
вилоят ИИБ Ёнгиндан сақлаш бўлими
ҳодимларининг бир-бирлари билан
жуда аҳил эканлигининг гувоҳи
бўлдик. Бу жамоада янги
ташаббуслар, илгор тажрибалар яна
давом этажатига ишонч ҳосил қилдик.

Худойберган ЖАББОРОВ,
"Постда" мухбири.

Суратларда: Хоразм вилоят
Ёнгиндан сақлаш бўлими Урганч
туман бўлини масида ўтказилган
ўқув-амалий машғулотлардан
лаҳзалар.

Саъдулла БОБО олган суратлар.

Таҳририятга хат

КОМПЬЮТЕРЛАР СИНФЛАРГА ҚАЙТДИ

САМАРҚАНД техника лицейидан
(собиқ 36-хунар-техника билим юрти)
4 миллион сўм-купонлик
компьютерлар ўғирланган эди.

Лицей директори Т. Тошевнинг
айтишича, Самарқанд шаҳар ИИБ 5-
шаҳар милиция бўлини маси бошлиғи,
милиция майори Ш. Султонов ва ана

шу бўлинма жиноят-қидирув тезкор
вакили М. Эшбадаловларнинг сазй-
ҳаракатлари туфайли ўғирлар ўн кун
ичида топилган ва компьютерлар ўз
жойига қайтарилган.

Ўғирликни ана шу лицейнинг собиқ
ўқувчилари содир этган экан, улар
турли муддатларга ҳукм қилинди.

Янги ўқув йилида лицей талабалари
дарс жараёнида ана шу
компьютерлардан фойдаланадилар.

Лицей ўқитувчилар жамоаси ва
талабалар фидокорона фаолияти учун
милиция ходимларига
миннатдорчилик билдирдилар.
М. АХМЕДОВ.

Ўсмирларга сабоқ бўлсин

АВВАЛ ИЗЗАТ, КЕЙИН ИЗЗА ТОПДИ

Исмоил ҳарбий хизматдан
қайтди. Ота-она, ер-биродарлар,
кишлоқдошлари иззатини жойига
қўйиб кутиб олишди.

Орадан бир неча кун ўтди.
"Солдат кўрди" ҳам тугади. Бу ёғи
кишлоқчилик. Тирикчилик гамини
ейиш керак. Лекин Исмоил
саланглаб юраверди. Таъна-
дашномлар кўпаявергач, собиқ
солдат иш излаб кўрган бўлди.
Шаҳрисабз шаҳар пиллакашлик
фабрикасидан иш топди-ю, бироқ
югуришлари борлигини баҳона
қилиб уни ҳам йиғиштирди.

Одатда ўсмирлар ҳарбий
хизматдан йигит бўлиб қайтишади.
Исмоил эса бундай бўлмабди. Кўп
ўтмай у бунинг исбот қилди.

28 март куни Яккабоғ тумани,

Ковчин қишлоғида яшовчи Очил
Муродов билан Бозор
Ҳакимовларнинг куркалари йўқолиб
қолди. Бу ҳақда милицияга маълум
қилинди.

Участка вакили, милиция
лейтенанти Адҳам Жовлиев М.
Очилов ҳовлисидаги "бегона" из
бўйича ўғрини топди-қўйди. Ўғри
ўша юқорида таърифини
келтирганимиз — Исмоилбекнинг
худди ўзгинаси бўлиб чиқди.

Яккабоғ туман суди Исмоил
Эшмўминовни уч йил муддатга
озодликдан маҳрум этди.

Аввал иззат топган йигит кўп
ўтмай қилмишидан изза топди.

Б. АЛИҚУЛОВ,
милиция майори.

"ТЎҚ ҚОРНИМ, ТИНЧ КЎНГЛИМ" БЎЛСИН

БОЗОР иқтисодиётининг айна
қундаги талаби жамиятимиздаги ҳар
бир кишининг ўз хизмат вазифасига
юксак масъулият билан
ендирилишига тақозо этади. Бироқ
айрим қийинчиликларга бардош
беролмаётган баъзи кимсалар
жамоат ва фуқароларнинг
мулкларига кўз олайтириш йўлига
ўтиб олмоқдалар. Аммо ўғирлик,
ташмачилик билан шугулланиб
бойлик орттирмоқчи бўлишгаётган
бундай нопок кимсалар ички ишлар
бўлимлари ходимлари томонидан ўз
"улуш"ларини олишмоқда. Айниқса,
бу борада Урганч шаҳар ИИБнинг
қўриқлаш бўлими посбонлари
сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.
Қўриқлаш бўлимининг шахсий
таркиби ўзларининг бевосита хизмат
вазифаларидан ташқари "Тўсик",
"Комплекс" ҳамда "Қорадори-94"
тадбирларида ҳам фаол иштирок
қилишмоқда.

Урганч шаҳар, Ўзбекистон 40
йиллиги кўчасида жойлашган
"Ватан" хусусий дўконда ўғирлик
содир бўлди. Қўриқлаш бўлими
ҳодимларининг тезкор ҳаракатлари
туфайли ўғирлар — Дилшод
Бекқонов ва Хушнот Полвоновлар
ушланди. Аммо масаланинг бошқа
томони ИИБ ходимларини жиддий
ташвишга солади. Бу ҳам бўлса, ўша
ўғирлик содир этилган "Ватан"
хусусий дўкони кечаси ҳеч ким
томонидан қўриқланмаган.

Бугунги кунда хусусий
корхоналар, дўконлар ва хусусий
шоҳобчалар сони кескин ортиб
бормоқда. Бу айна кун талаби. Лекин
уларни қўриқлаш ишларини ҳам
унутмаслигимиз керак. Айрим

корхона ва ташкилот раҳбарлари
халқ ҳўжалик объектларида моддий-
товар бойликларининг сақланишини
яхшилаш, унинг қўриқланишини
таъминлашга ўта масъулиятсизлик
билан ендошмоқдалар. Бундай
бокибегамлар вилоят ҳокимининг
фармойишига ҳам бефарқ
муносабатда бўлишиб, турли
баҳоналарни рўқач қилишмоқда.
Агар улар ўз корхона ва
муассасаларини, хусусий
шоҳобчаларини ички ишлар
идораларининг қўриқлаш
бўлимларига топширганларида
ўғирлик содир қилинишининг олди
олинган бўларди.

Ташмачилар пайини қирқишда
ҳам ходимларимиз юксак масъулият
билан иш юритмоқдалар. Натияжада
шаҳар худудида жойлашган саноат
корхоналарида содир этилаётган
майда ўғирликларга ўз вақтида
барҳам берилмоқда.

Майда талончилик, ташмачилик
хавфи моддий жиҳатдангина
бўлмай, балки мустақил тараққиёт
йўлидан бораётган давлатимиз учун
катта ахлоқий зарар ҳам етказди.
Шунинг учун ҳам қўриқлаш хизмати
ҳодимлари майда талончиликка
қарши курашни кучайтириш ва
саноат корхоналарини қўриқлашдек
масъулиятли вазифаларни ҳушёрлик
билан бажармоқдалар.

Молим бут, кўнглим тўқ бўлсин
десағиз қўриқлаш хизматидан
фойдаланинг?

О. ЙЎЛДШЕВ,
Урганч шаҳар ИИБнинг
қўриқлаш бўлими катта нозир,
милиция капитани.

НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИ- ЛАДИГАН БЎЛДИ

Яқинда Тошкент вилояти ИИБ мажлислар залида навбатдаги кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унга вилоятнинг барча туман, шаҳар, кўргон ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар, фахрийлар таклиф этилди. Йиғилишни вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги О. Жалилов очиб, асосий мақсадга ўтди:

— Яқинда кадрли дўстимиз, ҳамкасбимиз, вилоятимиздан етишиб чиққан ажойиб инсон, милиция генерал-майори Комилжон Қодирович Ғопуровдан айрилиб қолдик. Бу биз учун огир, жуда огир йўқотиш бўлди. Мен унинг номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманида бунёд этилаётган 8-ўрта мактабга марҳумнинг номи берилишини ҳамда ушбу мактабни қуриб битказиш учун ҳар бир ходим бир кунлик иш ҳақини ўтказишини таклиф қиламан.

Сўзга чиққан вилоят ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция майори Искандар Расулов бу таклифни бутун жамоа аъзолари билан маъқуллашларини ва мактабни тез фурсатларда қуриб битказиш, уни замонавий техник воситалар билан жиҳозлашда ички ишлар идораларини яқиндан ёрдам кўрсатишга чақирди.

Р. ЁДГОРОВ,
Тошкент вилоят ИИБ матбуот
гурухи раҳбари.

Ҳеч ким ўйламаган, ҳеч ким кутмаган айрилиқ бўлди бу. Бир неча соат, бир неча дақиқа аввал у билан суҳбатлашганлар ҳайрон, ишонмайдилар. Ўлим олдида ҳар банд ҳам ожиз қоларкан.

Бугун эса уни юзлаб, минглаб одамлар сўнгги манзилга кузатишмоқда. Даредек оқиб келаётганлар боши узра тобут қалқиб-қалқиб бормоқда. Юракларни-да қалқитиб, йиғлатиб кетмоқда. Сардорлар кўз ешларини яширмайдилар, сидирмайдилар.

Ҳа, юртини севган, элини суйган инсон эди у. Шунинг учун ҳам уни тиритида қадрладилар, мангуга кўз юмганида ҳам куйиб-куйиб, суйиб-суйиб кузатдилар.

...Ушанда 24 август — чоршанба кун эди. Комилжон Қодирович ҳар галгидек ишга жуда барвақт келди. Истиклол тантақалари бошланишига санокли кунлар қолган. Иш ниятда кўп. Вақт зик. Комилжон ака келасолиб навбатчилик қисмидан келтирилган тезкор маълумотни синчковлик билан ўқиб чиқди. Пойтахт бўйича содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг айнан шу кунига нисбатан еттига ошганини кўриб, асаблари таранглашди. Маълумотга кўз югуртираркан бирдан чеҳраси ёришди. Чунки жиноятларни очиш кўрсаткичи 90 фоизни ташкил қиларди. Буниси тузук. Йигитларнинг меҳнатидан кўнгли хотиржам тортиди: «Балли, азаматлар!»

Маълумотни ўқишда давом этаркан, шаҳарнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Қорасув анҳоридан 40-45 ешлардаги эркак кишининг кўрпа

жилдига ўраб чўктирилган мурдаси топирилганини ўқиб қолди ва дарҳол телефон тугмасини босди:

— Умархонов, сувдан топилган жасад ҳақида қўшимча маълумотлар борми?

— Ўртоқ генерал, биз мурданинг шахсини аниқладик. Махсус хизматчиларимиздан тузилган гуруҳ кеча тушдан бери жиноятни очиш билан шуғулланмоқда. Калаванинг

қилиш учун кирсинми?

Комилжон Қодирович бош ирғади...

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Комилжон Қодирович Ғопуров 1992 йилдан буён пойтахт тинчлиги, пойтахтликлар осойишталиги йўлида раҳбар сифатида бевосита жон куйдириб келарди. Шу ўтган қисқагина давр

битказилган спорт комплекси милция ходимлари учун айти мудд бўлди. Шаҳардаги мавжуд аҳволдан келиб чиқиб, айрим туманларда бўлимлар бошқармага айлантирилди. Жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш имкониятлари анча кенгайди.

Комилжон Қодирович Ғопуров республика Ички ишлар вазирлиги делегацияси билан Олмонияга қилган сафаридан ҳам «қуруқ қўл» билан қайтмади. Ўзбек милицияси учун жуда зарур бўлган жаҳондаги энг замонавий алоқа воситаларини олиб қайтди. Ҳозирги пайтда ихчам ва бенуксон ишловчи бу алоқа воситалари пойтахт милицияси ходимларининг жиноятчиликка қарши курашларида анча қўл келмоқда.

Шулар эмасми Комилжон Ғопуров номини ҳар кун, ҳар соат тошкентликларга ва унинг сафдошларига эслатиб турадиган ишлар, ёдгорликлар? Аммо унинг раҳбар сифатида, қолаверса, мустақил Ўбекистоннинг оддий фарзанди сифатида ниятлари улкан эди, юртпарвар, серғайрат инсон улкан орзулар билан иш бошлаганди.

Яхшидан бог қолади деган ҳалқимизнинг накли бор. К. Ғопуров раҳбарлик қилган бош башқармада унинг шогирдлари, дўстлари, фидойи ҳамкасблари кўп. Устоз, дўст бошлаган ишни улар албатта давом эттиражақ.

...Уша — чоршанба кун эрталаб генерал қабулига кирган врач шундай деганди:

— Комилжон Қодирович, сизга мутлақо тинчлик керак. Жиллакурса, касалхонадан чиқмаслигингиз лозим эди. Юрак билан ўйнашиб бўлмайди, ахир. Ҳамма нарсани ҳам ўзингизга яқин олаверманг, учинчиси хатарли...

— Худо хоҳласа, байрамни ўтказиб олайлик, даволаниш қочмайди. Бу кунни мен кўпдан ортиқиб кутаяпман. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

...Эртаси кун миғлаб одамлар боши узра улкан тобут қалқиди...

Бир гуруҳ дўстлари номидан

И. РАҲИМОВ.



учи топилиди, худо хоҳласа, кечгача очиб, натижаси ҳақида маълумот бераркан.

— Хонадон ўғирлиги-чи?

— Хонадонга кирган ўғри Борис исми шахс экан. Уни қўлга олиш чораларини кўриб қўйганмиз. Ўғирланган буюмлар ҳали топилмади. Борис ўтирган қамоқхонага одам юбордик, хотиржам бўлинг, йигитларимиз уни албатта топадилар.

— Ҳаракатни бўшаштирманглар. Сизнинг ҳам, менинг ҳам байрамолди кайфиятимиз яхши, кўнглимиз хотиржам бўлсин десангиз, тезроқ топинг!

Генерал дастакни кўяр-қўймас, эшикдан котиба қиз кўринди:

— Ўртоқ генерал, врач келди, укол

мобайнида эсда қоларли ишларни амалга оширди. Шаҳарнинг кўпгина туманларида унинг ташаббуси билан шаҳар милиция бўлимлари тузилди. Бўлимлар асосан аҳоли зич яшайдиган, шунингдек, корхона, заводлар мавжуд ҳудудларда очилди.

Акмал Икромов тумани Ички ишлар бўлими ходимлари бир қаватли, эски услубда, хом гиштдан қурилган бинода ишлардилар. К. Ғопуровнинг сазъ-ҳаракатлари билан туманнинг Ҳамроқул Турсунқулов кўчасида янги уч қаватли замонавий бино қад кўтарди. Аммо уни туман ички ишлар бўлими ходимлари ихтиёрига топшириш маросими К. Ғопуровга насиб етмади...

Генерал маҳалла отахонлари билан тез-тез учрашиб, маслаҳатлар олиб турарди. Шундай учрашувларнинг бирида отахонлар унга:

«Ўғлим, милицияга бўшашганларни эмас, белида белбоғи борларни ишга олгин», — дея маслаҳат бергандилар. Буни инobatта олган К. Ғопуров 1993 йилдан бошлаб шаҳар ички ишлар идораларига кадрларни фақат танлов асосида олишни йўлга қўйди. Эндиликда тайинланган синов имтиҳонларидан ўтган йигитларгина милиция сафига қабул қилинадиган бўлди.

Навоий кўчасида қуриб

РОЗИ БЎЛИНГ

Кўзда ёшлар, сардорларни
йиғлатдингиз,
Дунё фоний эканлигин
англатдингиз,
Юртим дея ҳаловатни даст
отдингиз,
Билмай қолдик — жуда барвақт
кайтдингиз.
Йўл устида бизлар рози, рози
бўлинг Сиз.
Осон эмас яхшилардан бўлмоқ

жудо,
Даҳшат экан тенгдошинга
айтсанг видео,
Вафосизлик қилди фалак, қилди
дунё.
Алвидо деб юрак куяр, йиғлар
унсиз,
Гўр устида бизлар рози, рози
бўлинг Сиз..
АБДУРАШИД.

БУ МУДҲИШ воқеа шундай бошланди. Қиз базмига таклиф қилинган санъаткорлар тўйхонага кириб келишгач, куй ва кўшиқ, ўйин-кулгу авжига чиқди. Раққосалар — Мухайе ва Жамилалар даврани кизитиб юборишди. Кеч соат йигирма иккиларга яқин қиз базми ниҳоясига етди.

— Энди бўлгуси куёвнинг уйига ҳам бориб хизмат қилсак, — дея

қизлар ўртага чиқишган йигитларни қучоқлаб «ўйин» кўрсата бошлашди. Бу «томоша» бировга ёқса, бировнинг гашига тегди. Қизларнинг бу бемаъни ҳатти-ҳаракатларидан Одилбек ҳам чидаб туролмади.

— Шунча одамлар орасида бемаънилик қилишга уялмайсизларми? Қўлларингиздан келса, тузукроқ рақсга тушинглар, — деди у.

у шунча одамлар орасида шарманда қилди? Қолаверса, «менсимангдек хонадан чиқиб кетишини қандай тушуниш мумкин». Бундай саволлардан Мухайеннинг боши қотди. Унда Одилбекка нисбатан қандайдир бир нафрат пайдо бўлди.

Базм ниҳоясига етгач, меҳмонлар таркала бошладилар. Санъаткорлар билан бирга Мухайе ҳам ташқарига чиқди. Шу пайт сал нарироқда Ихтиёр билан суҳбатлашиб турган Одилбекка кўзи тушди. Йигитларнинг ўзаро суҳбатидан янада жиғибийрони чиққан Мухайе чидаб туролмади ва ундан ўч олмоқчи бўлди. У сумкасида пичоқ олиб, Одилбекнинг орқасига урди. Зудлик билан уни касалхонага олиб боришди. Тиббиёт ходимларининг кўрсатган тезкор ердами туфайли Одилбек Матназаровнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Дўстлик шаҳрида яшовчи Мухайе Курёзова эндигина 20 ешга қадам қўйди. Шу пайтгача тўйма-тўй юриб, раққосалик қилиб ҳаёт кечирган бу санъат «фидоси»нинг ўша кун кўрсатган томошаси ўзига жуда қимматга тушди. Богот тумани халқ суди Мухайеннинг жиноий қилмишини атрофлича кўриб чиқди ва уни 4 йилга озодликдан маҳрум қилди. Хуллас, сайеҳ раққоса Мухайе Курёзова ўша куёв базмидаги «хизмати» учун «насибаси»ни олди.

Худойберган СОТИМОВ,
Богот туман халқ судининг раиси.
Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

"НАСИБА"СИНИ ОЛДИ

таклиф билдирди дастурхон атрофида ўтирган санъаткорлардан бири. — Тўсатдан борганимиз улар учун «сюрприз» бўларди.

— Жуда тўғри, — ҳамроҳининг гапини маъқуллади Мухайе. — Агар куёв базмини кизитсак, озмунча, пул тушмайди.

— Бўлмаса тезроқ ўша ерга борақолайлик, — шошилганча гапга қўшилди Жамила.

Санъаткорлар тезда куёвнинг уйига келишди. Куёвникидаги ўтириш тугаб энди тарқалаётган йигитлар уларнинг ташрифидан севиниб кетишди. Ана ундан кейин тагин ич-ич бошланди. Санъаткорлар ҳам бўш келмай роса «отишди». Барча ширакайф бўлгач, ўйин-кулгу бошланди. Раққосалар ўз кароматларини кўрсатишиб, даврага жон киритишди. Охир оқибат шу даражага бориб етдики, раққоса

— Сенинг нима ишинг бор? — Одилбекнинг гапини чўрт кесди раққосалардан бири. — Биз бугун куёв базмига келдик ва фақат куёв жўраларига хизмат қиламиз. Агар екмаетган бўлса, тўрт томонинг қибла!

Одилбек раққосаларга гап уқдириб бўлмаслигини сезгач, жимгина ўтиришни ўзига маъқул кўрди. Хуллас, раққосалар «ўйини» узоқ давом этди. Бу орада раққоса қиз Мухайе яна Одилбек билан бироз тортишиб қолди.

Хона қизиб кетганлиги ва сигарет тутунидан нафас олиш қийинлашиб қолганлиги сабабли Одилбек енида ўтирган дўсти Ихтиёр билан ташқарига чиқди. Одилбекнинг ўзини жуда эркин тутиши Мухайега ёқмади. У баттар асабийлаша бошлади. «Унинг менга ақл ўргатишга нима ҳақи бор? Нега мени

«ҚЎРИҚЛАШ» ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДАН

КИТОБ ЎҒРИСИ

КЕЧАСИ ФАРҒОНА шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими 1-сон МҚП ходимлари дўконларни кўздан кечириб юришган чоғда аравачада анчагина юк олиб келаётган икки шубҳали шахсни кўришди ва тўхтатишди. Юк текширилганда кўп миқдордаги янги бадий китоблар экани аниқланди.

Текширув давомида маълум бўлишича, Марказий китоб савдоси омборида мудир ва қоровул бўлиб ишловчи бу икки адабиёт «шайдоси» китобларни тафтишчидан яшириш учун олиб кетаётган эканлар.

Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

НИЯТИГА ЕТМАДИ

Соат 01.10 да Олмалик шаҳар ИИБ Қўриқлаш бўлими 1-сон МҚПга ЗЖБК марказий омборидан «ташвиш» хабари тушди. Зудлик билан воқеа жойига етиб борган қўлга олиш гуруҳи омбор ичида юрган номаълум шахсни ушлашди. Аниқланишича, у ҳеч қандай ишламайдиган Г. Баҳром бўлиб, бу ердан жами 1660 сўмлик 7 дона телефон аппарати, бир қути конфет, бир жуфт иш кийимини ўғирлаб кетишни ният қилган экан. Лекин удаллолмади.

ШОШКАЛОКЛИК ОҚИБАТИДА

Шеробод шаҳар Мустиқиллик кўчасида қизил рангли енгил

автомашина йўловчи Б. Сафаровни уриб кетди ва воқеа жойидан яширинди. Ўша пайтда объектларни текшириб юрган МҚП ходимлари бу ҳодисанинг гувоҳи бўлишди ва участка вакили билан жиноятчининг ортидан тушишди. Ҳайдовчини ўз уйдан тутиб келишди. У шу шаҳарда яшовчи Г. Хуррам экан. Йўловчи эса касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

ЎҒРИ ҚОРОВУЛЛАР

Қибрай тумани Яхна ичимликлар корхонасининг маҳкама қоровули Ж. Тоҳир шерги — иккинчи қоровул А. Илс билан ҳамкорликда шахсий машинасида 1173 дона бўш шишани ўзлари қўриқлаётган корхонадан ўғирламоқчи бўлишди. Бироқ ўша кун кўриқлаш бўлими ходимлари ўтказаетган навбатдаги рейдда ўғри қоровулларни тумшукларидан илин-тиришди.

ЯНА ҚЎЗИНИ БЎРИГА ИШОНИШДИ

«Ўзмаишийхмия» заводида маҳкама қоровули бўлиб ишловчи А. Санмурод ҳам ўзи қўриқлаётган маҳсулотга кўз олайтирди: 40 қути ювиш қукунини орқалади. Бироқ бу сафар унинг омади юришмай «Қўриқлаш» ходимлари «тўри»га илинди.

Исмомил ШОМУРОДОВ,
милиция лейтенанти.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 19

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бонг". Спорт кўрсатуви.
18.45 "Хазинамиз таянчи".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Осойишталик посбонла-ри". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.10 "Жаҳон мусиқаси дурдоналари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шўхрат Йўлдошев.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 Шароф Бошбеков. "Тақдир эшиги". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.30—23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради: "Душанба" адабий-бадий видеоанали:
19.50 "Полапон".
20.10 "Мушоҳада".
20.35 "Фалакнинг гардиши".
21.00 "Қалба санчиб шеърятнинг пичоғини".
21.25 "Студиямиз меҳмони".
21.50 "Шунчаки саргузашт".
22.15 "Хафтаномаси".
22.45—23.50 "Тўтиқушли хоним". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

"ОМАД" таништиради:

20.40 "Совга".
21.10 "4/8". Мусикий кўрсатув.
21.30 "Суперспорт".
22.00 Ёлонлар.
22.10 Видео — "О".
23.50 Ёлонлар.
24.00 — 00.10 "Курьер".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Эркак ва аёл".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Спорт уик-энди".
20.45 "Трагиклар ва комедиантлар". А. П. Чехов номидаги Москва Бадий академик театрининг фильм-спектакли. Муаллиф — В. Арро.

Сешанба, 20

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Санников ери". Бадий фильм.
10.00 "Томоша". Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Тошкент жилолари". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Ёшлар куйлаганда.
12.30—13.00 Янги алифбони ўрганимиз.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Кувноклар даврасида".
18.35 "Ёшлик" студияси. "Адолат".
18.45 "Ёшлик" студияси. "Адолат".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Навойхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Тошкент бўйлаб мусикий саехат".
21.55 Телевизион театр почтаси. "Сўнгги ўқ" видеофильми ҳақида.
23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Мультифейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ёлонлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ёлонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мультикарусель".

"Тошкент" студияси таништиради:
19.40 "Эсдалик учун дастхат".
20.10 "Менинг кўчам".
20.25 "Хар соҳадан бир шингил".
20.45 "Антенна".
21.25 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
22.35 — 22.45 "Хотима".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 — 8.00 "Тонг".
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 "Гол".
21.10 1994 йил кўшиқлари.
21.55 — 23.45 Галабининг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлайман...". Бадий фильм "Ягона йўл" ("Мосфильм", Югославия, 1974 й.).

Чоршанба, 21

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Катта бўлишни хоҳламайман". Бадий фильм.
9.55 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ).
11.15 Алифбо сабоқлари.
11.45 Лирик концерт.
12.15—14.15 "Нурли келажак". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. "Фарзанд — умид қолди".
18.50 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.20 Спорт хабарномаси.
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.10 "Тилга эътибор".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси олдидан.
22.10 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Қардошлик оиласида".
20.25 Хор куйларидан концерт.
20.55 Зариповлар сулоласи цирк майдонида.
21.35 "Ўзбекистон спортни" (рус тилида).
22.05—23.40 "Беором кун". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.10 "Би-Би-Си" янгилари (инглиз тилида).
22.25 "Мусикий саехат".
22.55 "Уммондан томчи".
23.25 АҚШда кичик бизнес.
23.55 — 00.10 "Си-Эн-Эн" янгилари (инглиз тилида).
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 — 8.00 "Тонг".
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 В. Висоцкий хотирасига бағишланган кеча.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Монолог".
20.40 — 23.10 Э. Рязановнинг "Каромат" бадий фильми премьераси.

Пайшанба, 22

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Қалъа жавоб берди". Бадий фильм.
10.00 Шифокор экрани.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ).

11.15 Инглиз тили.
11.45 — 14.15 "Тул бир ён, чаман бир ён". Мусикий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Ором".
18.40 Дутор ва танбур тароналари.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Илҳом" телевизион клуби.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" тақвими.
19.55 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил хангома".
20.30 "Мухаббатга ошно қалблар".
20.50 Видео янгилари.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ёлонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"Тошкент" студияси таништиради:
20.30 "Бугун олам — театр".
21.00 "Дискотека". Нон-стоп.
22.00 "Бош муҳаббиримиздан...".
22.20 "Дискотека". Нон-стоп.
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбахор" — "Политотдел". 2-тайм.
00.10 — 00.20 "Хотима".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 — 8.00 "Тонг".
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Киноюлдуз". Ален Делон. Кўрсатувни С. Жигунов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 — 22.45 Ален Делон "Кристина" бадий фильмида (Франция, 1958 й.).

Жума, 23

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ". Бадий фильм.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Сирли остана".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тарих.
11.00 "Кўнгил кўзгуси". Адабий кўрсатув.
12.00 Немис тили.
12.20 "Қалбим гавҳарисан, муҳаббат". Мусикий кўрсатув.
12.55 — 13.25 "Гурур".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ешигим".
18.45 "Шеърин дақиқалар". Хўснийдин Шарипов.
18.55 "Ислохот мевалари".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Телеоператор нигоҳи билан...".
20.10 Илҳом Иброҳимов куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 "Юртимиз зиёси". Республика энергетикасининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув ва концерт.
00.30 — 00.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.30 "Билиб қўйган яхши".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "02" тўлкинида.
21.50 "Дехқон ҳиммати".
22.20 "Экология ва ҳаёт".
22.50 — 00.10 "Табар кўкка йўл олади". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:
20.30 "Рок ҳақида".
21.00 "Суперспорт".
21.30 "Даракчи".
21.40 "Юлдуз".
22.10 Ёлонлар.
22.20 — 24.00 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Хафтанинг машҳур киши".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Муъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 3-серия.
21.50 "Матбуот-экспресс".
22.05 — 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 24

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 "Кинокўзгуда — ҳаёт". Кинокўрсатув.
9.30 Футбол майдонларида.
10.30 "Кувнок учрашувлар". Тохир Миралиев.
11.30 "Аждодлар мероси — хазина".
12.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
12.20—14.20 "Тимсол" видеоанали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Кўшигим, жон кўшигим".
18.50 "Санъат олами".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.00 Ёш хонандалар ижросида мумтоз ашулалар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Назм ва наво". Чустий лирикаси.
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультифейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ёлонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ёлонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.05 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил хангома".
13.40 "Мухаббатга ошно қалблар".
14.00 Видео янгилари.
14.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ёлонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Антенна".
21.55 "Менинг кўчам".
22.10 "Шаҳар тун оғушида".
22.30 — 00.40 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
ЎзТВ III
10.00 "Қаҳрамон Дадаев ижро этади". Фильм-концерт.
10.30 "Бизнен мирас" (татар тилида).
11.10 "Қашфиётлар ва ихтиролар".
11.50 И. Савин, Ж. Тошинов. "Кўчада юрган фақир". М. Ауэзов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 "Ёшлар ижоди". Нигора Раҳимкулова куйлайди.
14.35 — 14.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Диего.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мультикарусель".

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Вариациялар мавзу".
20.45 "Дўстлар планетаси".
21.25 "Би-Би-Си" янгилари (инглиз тилида).
21.40 "Ўзбекистон — кадрдон уйимиз".
22.20 "Етти иқлим садоси".

22.50 "Си-Эн-Эн" янгилари (инглиз тилида).

23.05 Барча юлдузлар. Луи Армстронг.
23.50 — 00.10 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.00 Олег Басилашвилининг кузги марафони.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.45 — 23.05 "Қоламбиз пикчерс" таништиради. "Шунга қарамасдан". Бадий фильм.

Якшанба, 25

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Яшил чироқ". Ёш йўл назоратчиларининг слёти ҳақида.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 85 — 86-сериялар.
12.00 "Шохрух" клуби.
12.30 "Биргаликда куйлаймиз".
13.00 "Марду майдон". Хоразм вилоятидан кўрсатув.
14.00 — 15.30 Футбол бўйича УЕФА кубоғи. "Витесс" (Голландия) — "Парма" (Италия).

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Цирк! Цирк! Цирк!".
18.45 "Санъат маскани". Телефильм.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Хафтаномаси" (рус тилида).
19.30 Ёлонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Хафтаномаси".
21.00 Ёлонлар.
21.05 "Ойнаи жаҳонда...".
21.25 "Якшанба оқшомида". Мусикий кўрсатув.
22.00 "Ватани севмоқ иймондандир...".
23.00 — 23.30 "Хафтаномаси".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.
17.45 "Суперспорт".
18.15 Ёлонлар.
18.20 Видео — "О".
19.55 Ёлонлар.
20.00 "Курьер".
20.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
20.50 "Суперспорт".
21.25 "Даракчи".
21.35 Ёлонлар.
21.40 — 23.20 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор).
11.00 "Ташрифлар ва таклифлар". Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида.
11.20 "Интердиалог".
11.50 "Шимоллик келин". Бадий фильм.
13.05 "Ариран". Корейс тилида кўрсатув.
13.35 — 13.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Франциско.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Би-Би-Си" янгилари (инглиз тилида).
21.45 "Дунё ва биз". Ўзбекистон — Франция.
22.15 "Хафтаномаси".
22.45 "Мусикий саехат".
23.15 "Спорт, спорт, спорт".
23.25 "Си-Эн-Эн" янгилари (инглиз тилида).
23.40 — 24.00 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Мусикий жилолар".
18.30 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.45 "Баскетбол жазабаси". "Ҳақиқий ажина оловчилар". Мультифильмлар.
19.45 "Бомонд".
20.00 "Парнас сари босқич". IV Москва халқаро телевизион мусикий фестивали.
20.25 Ален Делон "Ўтиш" бадий фильмида ("КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали).
22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
22.50 — 23.30 "Бир боқишда муҳаббат".

["Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан].

АВАЗОВ Шамил Жўраевич



БЕШАФҚАТ ўлим ҳамкасбимиз, ўзининг бутун кучини халқ осойишталигини сақлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга бахшида этган милиция катта лейтенанти Авазов Шамил Жўраевични 1994 йил 25 август кунни орамиздан олиб кетди.

Авазов Шамил эндигона 30 баҳорни қаршилаган, ҳали дилида не-не орзу умидлари бор эди.

У ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1986 йилдан бошлади.

1994 йилда Тошкент Олий милиция мактабини тамомлади ва шу йилнинг июль ойидан бошлаб Қарши тумани Ички ишлар бўлими

жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакили лавозимида барча ҳамкасбларига ўрнак бўлиб хизмат қилаётган эди.

Авазов Ш. Ж. нинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Қарши тумани Ички ишлар бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби.


ҚИДИРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти Когон шаҳар ва туман Ички ишлар бўлими томонидан 1963 йилда туғилган, Когон туман, "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг Камангарон қишлоғида яшовчи, ёшлигидан руҳий хасталиги туфайли ҳеч қаерда ишламайдиган Олим Турсунович Расулов қидирилмоқда. У шу йилнинг 2 январь кунни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 170—175 см., сочи қора, кўзлари қора ва катта, бурни ўртача, юзи думалоқ, кулоқлари катта.

Кийими: эғнида қора пальто, жигарранг шим, оёғида калиш бўлган.

С. Расуловнинг кейинги тақдирдан хабардор бўлган фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Бухоро вилояти, Когон тумани ва шаҳри Ички ишлар бўлими томонидан 1962 йилда туғилган, Когон тумани, Қуйимозор қўғонига яшовчи Ёдгор Қурбонвич Саидов қидирилмоқда. У шу йилнинг 24 апрель кунни Қизилтепа туманига бориш учун уйдан чиқиб кетган ва қайтмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., озғиндан келган, сочи, қошлари, кўзлари қора, бурни ўртача ва тўғри, кулоқлари катта.

Кийими: эғнида кўк рангли жемпер, қора рангли шим, оёғида туфли бўлган.

Ё. Саидовнинг қаердалигидан хабардор фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига маълум қилишларини сўраймиз.

Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз туман ИИБ томонидан 1974 йилда туғилган Гавҳар Муқимовна Ярашева қидирилмоқда. У Шаҳрисабз туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг Хўжабоғ қишлоғида яшаган, 1994 йил 21 августдан 22 августга ўтар кечаси уйдан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., ўртача гавдали, юзи думалоқ, сочи қора ва узун, кўзлари қора, қоши ёйсимон, тишлари бутун.


Кийими: эғнида қизғиш рангли, қора гулли "Сув пари" кўйлаги, зарли атлас лозим, кўк рангли симрўмол, оёғида гулли шиппак бўлган.

Г. Ярашеванинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан энг яқиндаги милиция бўлимига ёки 3-20-63, 3-29-46, 3-41-45, 3-22-02 телефонлари орқали Шаҳрисабз туман ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 5. Табиий офат. 6. сеҳр. 11. Сайёра. 12. Сайроқи куш. 15. Иморатсоз уста. 8. Бразилиялик таниқли адиб. 9. Кўзбойлогичлик, хисобидаги ой. 17. Ўзбекистондаги шаҳар. 19. Илк ҳосил. 20. Туркия пойтахти.



БҮЙИГА: 1. Чирчиқ дарёси бош ланишидаги корхона. 2. Хоразм вилоятидаги шаҳар. 3. Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби. 4. Нон тури. 7. Республикадаги тарихий шаҳар. 10. Олимлар. 11. Ислон оламининг муқаддас шаҳри. 13. Тошкент вилоятидаги кимёгарлар шаҳри. 14. Исм. 17. Билимли, ақлли, зукко. 18. Оврупо мамлакати пойтахти.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Газетамизнинг 63-64 сонидида чоп этилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Қовун. 2. Бозор. 3. Бобур. 4. Товон. 5. Номоз. 6. Пулат. 7. Қўқон. 8. Тагор. 9. Қалам. 10. Вазир. 11. Камон. 12. Қўлоб. 13. Қўшин. 14. Келес. 15. Девон. 16. Қалай. 17. Лазер. 18. Ургут. 19. Архар. 20. Совут.

ЭЪЛОН

1983 йилда Тошкент шаҳридаги 1-ўрта мактаб томонидан Шоҳид Нарзуллаевна Манпарова номига берилган 266330 рақамли етувчи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги милиция подполковниги

Анвар КАРИМХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар Кенгаши истеъфодаги милиция подполковниги

Анвар КАРИМХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бош бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Абдулла Мамамовга волидан мухтарамаси

Холойим ДАДАХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, милиция полковниги А. Б. Бобожоновга онаси

Шарипа БОБОЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари милиция полковниги А. Б. Бобожоновга онаси

Шарипа БОБОЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Мухаррир
З. ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1156
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.494 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
қотиб — 59-20-96,
муҳбирлар бўлими —
59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

1, 2, 3, 4, 5, 6